

ЗАМОНАВИЙ НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ФАЗА МАЊНОЛИ АНАЛИТИК БИРИКМАЛАР

H. Содикова¹

Аннотация:

Таклиф этилаётган мақолада немис ва ўзбек тилларининг фаза (бош-ланғич, давомийлик ва якуний) мањносига эга воситаларнинг турли жараён-лар (харакат, ҳолат, ҳодиса)ни англатувчи сўзлар билан бирикмалари анали-тик конструкция сифатида кўриб чиқилади. Фазали феъллар ва фаза семали турғун сўз бирикмалар аналитик конструкцияларда доимий фаза компоненти вазифасини бажаради. Ўзгарувчан компонентининг ўрнини инфинитив (немис тилида) ва турли шакллардаги номлар эгаллади.

Калит сўзлар: фазавий анализатор бирикма, бошланғич, давомийлик ва якуний фаза, фазавий доимий компонент, ўзгарувчан процессуал компонент, фазавий феъллар, кўмакчи феъллар, турғун от-феъл бирикмалари

doi: <https://doi.org/10.2024/k5yk3h71>

“Фазавий анализатор бирикма” (ФАБ) атамаси мазкур мақолада қўйдагича изоҳданади: фаза мањносига эга бўлган феъл (ёки феълли бирикма) бир қандай процесни билдирувчи лингвистик восита (турли шаклда қўлланилган феъл, от) билан бирикиб, унинг босқичларини, яъни бошланиши, давом этилиши ёки тугалланиши (тўхтатилиши)ни ифодалайди (қаранг: [Ризаев 2019: 17]). Фаза мањносига эга феъл анализатор бирикманинг доимий компоненти (ДК), процесни англатувчи сўз ўзгарувчан компоненти (ЎК) деб қабул қилинади. Демак, фазавий анализатор бирикманинг умумлаштирилган модели – ФАБ = ДК+ЎК.

Немис тилида бошланғич фаза мањноси асосан иккита фазавий феъллар, яъни **beginnen** ва **anfangen** ёрдамида ифодаланади. Бу феъллар ўзининг соғ луғавий мањноларида қўлланиб, ягона “бошланиш” семасига эга.

Бу феъллар билан аксариат ҳолларда ЎК сифатида турли жароёнларни билдирувчи ва **zu** билан келувчи инфинитив шакли бирикади, яъни **beginnen + инфинитив**, **anfangen + инфинитив** бошланғич фаза мањносини ифодалашда асосий модел сифатида қўлланади. Масалан;

Er **begann zu zittern**, als er es hörte (Remarque. S. 474). –

U buni eshitib **titra boshladi** (Remark. 273-bet);

Sie **fing an zu weinen** (Remarque. S. 297). –

U **yig'lay boshladi** (Remark. 173-bet);

Beginnen фъелининг бирикиш қобилияти жуда ҳам кенг бўлиши қўзатилди. У билан конструкцияларда ўзгарувчан компонент сифатида инфинитив шаклида турли лексик мањнога эга чегараланган ва чегараланмаган феъллар қатнашиши мумкин. Немис тилида **beginnen** билан бир қаторда унинг синоними **anfangen** ҳам **zu + инфинитив** билан бирикиш қобилиятига

¹ Содикова Назокат Гафоровна, СамДЧТИ II-чи босқич докторанти

International Conference
**HUMANISTIC ROLE OF LANGUAGE AND LITERATURE IN THE CONTEMPORARY
GLOBALIZATION**

эга. Бундай аналитик бирикмалар **beginnen**га нисбатан матнларда камроқ учрайди.

Немис тилада beginnen (anfangen) + zu + инфинитив бирикма орқали ифодаланган вазиятларни ўзбек тилида нафақат соф бошланғич фаза маъносини англатувчи **бошламоқ** феъли, балки абстракт маънода бошланғич маъносини билдирувчи юриш-ҳаракат феъллари **кетмоқ, ўтмоқ, тушмоқ, тушиб кетмоқ қўзғалмоқ, бормоқ, киришмоқ** каби феъллар ҳам қатнашади. Масалан:

Aber in Frankfurt stieg ein Mann mit einem Seehundsbart ein, der sofort einen Koffer auspackte und **zu essen begann** (Remarque. S. 426) -

Ammo Frankfurtda kupega mo'ylovi tyulennikiga o'xshagan bir odam kirib keldi, apil- tapil chamadonini ochib, **ovqatlanishga tushdi** (Remark. 249-bet).

Die Sonne ging hinter den Dächern des Gewerkschaftshauses auf. Die Fenster **begannen zu blitzten** (Remarque. S. 241).

Quyosh kasaba uyushmalari binosining tomiga tirmasha boshladi. Deraza oynalari **yarqirab ketdi** (Remark. 142-bet);

Jeden Tag gab es ja Dutzende von Auktionen. Mit runden Gesten **begann** er den armseligen Kram **zu versteigern**. (Remarque. S. 169). -

Shaharda har kuni o'nlab kim oshdi savdosi bo'ladi. Auktzionchi hazil-mutoyibalari, artistona imo- ishoralar bilan eski-tuski lash- lushlarini **sotishga kirishdi** (Remark. 98-bet);

Nase **fing an zu bluten**, ich verfehlte den nächsten Schlag... (Remarque. S. 372). -

Burnimdan **qon keta boshladi**, men navbatdagi zARBANI o'tkazib yubordim... (Remark. Uch og'ayni, 223-bet).

Давомийлик фаза маъноси немис тилида **fortfahren** ва **fortsetzen** феъллари орқали ифодаланади. Асосий феълни инфинитив шакли билан фақат **fortfahren zu** билан бирикиши қўзатилади, унинг синоними **fortsetzen**

бундай қобилиятга эга эмас. **Fortsetzen** билан ўзгарувчан компонент сифатида предлоги ва предлогсиз от шакли қўлланилади. Масалан:

etwas fortsetzen - nach einer Unterbrechung mit etwas weitermachen, weiterführen: Nach einer kurzen Rast setzten sie die Fahrt fort - Qisqa dam olishdan keyin ular sayohatlarini davom ettirdilar;

fortfahren + zu + Infinitiv: Er ließ sich durch den Lärm nicht stören und fuhr fort zu arbeiten – Шовқинга эътибор бермай у ишда (ишини) давом этди.

Er fuhr fort zu rauchen, obwohl es ihm der Arzt untersagt hatte - Shifokor chekmaslikni aytganiga qaramay, u chekishni davom ettirdi.

Ўзбек тилида давомийлик маъноси соф фаза маъносига эга от-феъл бирикмаси **давом этмоқ** ва **-иб** шаклида келувчи асосий феълнинг равишдош шакли билан қўмакчи феъллар **турмоқ, ўтиromoқ, юрмоқ, бормоқ** бирикмаси орқали акс этади: **ишилаб, ўйлаб юрмоқ, ўқиб турмоқ, хат ёзиб ўтиromoқ, бир нарсани ёзиб бормоқ**.

Немис тилида яқуний фаза маъносини ифодаловчи воситалар сифатида турли тил бирликлари мавжудб яъни фазавий феъллар (aufhören, abbrechen, unterbrechen, enden, beenden, vollenden, schließen, abschließen, beschließen) от- феъл бирикмалари (zu Ende sein ein Ende haben ein Ende finden ein Ende nehmen ein Ende erreichen ein Ende machen ein Ende setzen ein Ende bereiten zu Ende gehen zu Ende kommen zu Ende laufen zu Ende führen zu Ende bringen), финитив равиш ва боғловчи феъл ёрдамида ташкил топган

бирикмалар (aus sein, vorbei sein, vorüber sein, fort sein, um sein, alle sein, hin sein, weg sein) (қаранг: [Ризаев, 2019:65 - 140; [Ризаев, 2020]). Аммо, шуларнинг ичида инфинитив шакли билан бирикиш қобилиятига фақат соғ финитив фаза маъносига эга бўлган ягона aufhören феълидир. Демак, якуний фаза қийматларини аналитик усулида ифодаловчи асосий восита сифатида биринчи навбатда aufhören + zu + инфинитив ҳисобланади. Aufhören феълининг бирикиш қобилияти чексиз деб бўлади. У билан ўзгарувчан компонент сифатида фақат чегараланган ҳаракатларни англатувчи феъллар бирикаолмайди. Шу сабабдан бу феъл билан аналитик бирикмалар моделини қўйидагича тасвиrlаса бўлади: aufhören + zu + барча чегаралмаган феъллар: Er hörte auf zu spielen, weinen, arbeiten, trinken ...
Масалан:

Er **hörte auf zu essen** und sah mich einen Augenblick an. (Remarque, S. 246).

U **ovqat eyishdan to'xtatdi** va bir zum menga qaradi. (Remark, 145-bet).

Ich **hörte auf zu spielen**. Ein Mann **war eingetreten**, hager, mit schlenkriegen Bewegungen, eine Melone weit hinten auf dem Kopf. (Remarque, S. 438).

Chalishdan to'xtadim. Qahvaxonaga degcha nusxali qalpoqini qanshariga qo'ndirgan pirpirak bir nusxa **kirib keldi**. (Remark, 254-bet).

Es hatte zu schneien aufgehört - Qor to'xtagan edi

Hör auf zu singen! - Qo'shiq aytishni to'xtating!

Nun hör aber auf zu weinen! - Endi yig'lashni bas qiling!

Hört auf, Unfug zu treiben! - Buzg'unchilik qilishni bas qiling!

Warum haben Sie aufgehört zu spielen? - Nega o'yashni to'xtatdingiz?
wie es scheint, hört es schon auf zu regnen - Yomg'ir allaqachon to'xtaganga o'xshaydi [Paffen 1969: S.91].

Ўзек тилида ҳам якуний фаза маънолари кўп қиррали бўлиб турли воситалар ёрдамида фодаланиши мумкин: фазавий феъллар (*тұғатмок, тамомламоқ, тұхтатмок ва ҳ.к.*), ва улар билан синоним бўлган *адо бўлмоқ, барҳам бермоқ, тамом бўлмоқ (қилмоқ)* финитив турғун сўз бирикмалари (қаранг: [Ризаев, 2022: 75]), ва финитив аналитик шаклларини ҳосил қилувчи, кўмакчи феъллар *бўл, бит, битир, чиқ, ет, ут, ол, қўй, кет, юбор, ташла, сол, туш* (қаранг: [Хожиев 1979, 66 б.]).

Б.Х. Ризаев 20дан ортиқ от-феъл турғун бирикмаларни келтириб: *адо қилмоқ* (этмоқ, бўлмоқ), *бас қилмоқ, барҳам бермоқ, бартараф бўлмоқ* (этмоқ, қилмоқ), *саранджом бўлмоқ, тарқ қилмоқ, хотима бермоқ (қўймоқ, ясамоқ)*, *чек қўймоқ, тамом бўлмоқ (қилмоқ)*, *йўқ қилмоқ, охирiga етмоқ (етказмоқ, яқинлашмоқ)* уларни қўйидагича изоҳлади: "... турғун бирикмалар таркиби камида иккита компонентни ўз ичига олади - номинал ва феъл компонентларини. Бутун бирикманинг финитив семантикаси номинал компонентига юкланди, феъл компоненти ўзининг абстракт (мавхум) маъжозий (кўчма) маъносига пайдо бўлади ва предикатнинг синтактик ролини бажаради ва акционал семантикаси билан тавсифланади. Деярли барча от компонентларнинг лексик семантикаси тўғридан-тўғри (бевосита) ёки у ёки бу тарзда тугалланиш маъноси билан боғланган [Ризаев 2022 : 65].

Демак, келтирилган турғун бирикмалар, бир тамондан, ўзлари аналитик ҳарактерига эга бирикмалар қаторига киради, иккинчи тамондан, улар доимий фазавий компоненти сифатида турли жараёнларни (ходиса, ҳаракат, ҳолат) англатувчи ўзгарувчан компонент (аксариятда от) билан

**International Conference
HUMANISTIC ROLE OF LANGUAGE AND LITERATURE IN THE CONTEMPORARY
GLOBALIZATION**

бирикиб, фаза, яъни финитив (якуний) фаза маъноси билан боғланган конструкцияларни ташкил қиласди. Таққосланг: У қўшиқни бас қиласди; Унинг асабийлиги ниҳосига етди; Иш охирига яқинлашиб қолган; Дарс тамом бўлди; Докладчи сўзини тамом қиласди ва ҳаказо.

Ўтказилган таҳдиддан қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин.

Фаза маънолари иккала тилда ҳам семантик универсал ҳодиса бўлиши аниқланди. Иккала тилда ҳам фаза босқичларини ифодалайдиган мачсус ихтисослашган аналитик воситилари мавжуд.

Немис тилида beginnen (anfangen) + zu + инфинитив бирикма орқали ифодаланган вазиятларни ўзбек тилида нафақат соф бошланғич фаза маъносини англатувчи **бошламоқ** феъли, балки абстракт маънода бошланғич маъносини билдирувчи юриш-харакат феъллари **кетмоқ, ўтмоқ, тушмоқ, тушиб кетмоқ қўзғалмоқ, бормоқ, киришмоқ** каби феъллар ҳам қатнашади.

Ўзбек тилида давомийлик маъноси соф фаза маъносига эга от-феъл бирикмаси **давом этмоқ** ва **-иб** шаклида келувчи аосий феълнинг равишдош шакли билан кўмакчи феъллар **турмоқ, ўтироқ, юрмоқ, бормоқ** бирикмаси орқали акс этади.

Иккала тилда ҳам якуний фазани ифодалашда турли аналитик характерга эга бўлган воситалар қатнашади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Ризаев Б.Х. Аналитические средства семантического поля финитив-ности в современном немецком языке. - Самарканد, 2019. - 156 с.
- [2]. Ризаев Б.Х. Семантика конструкций с финитивными глаголами. Ташкент: Янги аср авлоди, 2020. – 152 с.
- [3]. Ризаев Б.Х. Финитив семали турғун сўз бирикмалари. Устойчивые словосочетания с финитивной семантикой. Самарканд: СамДЧТИ, - 2022. -175 б.
- [4]. Хожиев А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалishi. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
- [5]. Paffen K.A. Deutsch-russisches Satzlexikon. Bd. I Verlag Enzyklopädie- Leipzig, 1969. 464 S..
- [6]. Remarque E. M. Drei Kameraden. Roman. - Köln: Verlag Kiepenheuer & Witsch, 1991. – S. 586.
- [7]. Remark E. M. Uch og'ayni. (Nizom Komil tarjimasi). – Toshkent: Jahon adabiyoti jurnali, 1998. – 334 б.